

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎҒРИЛИК  
ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ*

*АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ*

**ХОШИМОВ АСИЛБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИ**

*E-mail: [xoshimovasilbek103@gmail.com](mailto:xoshimovasilbek103@gmail.com)*

**АННОТАЦИЯ:** *Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ўғирлик жиноятларининг умумий профилактикаси бўйича фаолиятининг тушунчаси ва аҳамияти, ўзига ҳос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, процессуал жиҳатлари, расмийлаштириладиган ҳужжатлар, фаолиятини ташкил этиш ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.*

**Калит сўзлар:** *ўғирлик жинояти, профилактика инспектори, фирибгарлик жинояти, профилактика қилиш, огоҳлантириш, барҳам бериш, жиноятчиликнинг олдини олиш.*

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРА ПО ПРОФИЛАКТИКЕ  
ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С КРАЖАМИ**

**АННОТАЦИЯ:** *В этой статье будет дана более полная информация о видах киберпреступлений в сфере информационных технологий на территории нового Узбекистана, способах и условиях их возникновения, а также о жертвах этих киберпреступлений, киберпреступлениях, наносящих наибольший ущерб в нашей статье.*

**Ключевые слова:** *преступление кражи, инспектор по предупреждению, преступление мошенничества, профилактика, предупреждение, пресечение, предотвращение преступления.*

Ўзбекистон Республикасининг ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйган ва ушбу мақсадга эришмоқ учун барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ривожланиб борар экан, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни содир этиш механизмлари ҳам мураккаблашиб боради. Шу боисдан бугунги кунда содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш нафақат ички ишлар органларининг, балки барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 2022 йил 12 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаганлиги, оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайганлиги, шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли эканлигига эътибор қаратди. Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, кадр-қиммати ва бошқа дахилсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида суд-ҳуқуқ, хусусан ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилиётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистонда Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди <sup>1</sup>.

Демократик жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноятҳуқуқий таъқиб воситасида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чоратадбирларини комплекс қўллаш орқали олиб борилади.<sup>2</sup>

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умум эътироф этилган. Бу –ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош

---

<sup>1</sup> <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)

<sup>2</sup> Ш.Мирзиёев. Президент ИИОлари вакиллари билан соҳа ислохотларини муҳокамаси. Ўз TV. [lex.uz](http://lex.uz).

вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат умумий адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди. Бу атамалар ИИБ, ДХХ, адлия, прокуратура, суд, солиқ, божхона, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан кенг қўлланилади. Ушбу тушунчаларнинг қонунчиликда берилган таърифи қуйидагилардан иборат:

- **Ўғирлик**<sup>3</sup> – бу ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғирлик жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш тушунилади. Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминалистик таснифи – маскур жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг энг муҳим белгилари билан боғлиқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, маскур жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради;

- **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

---

<sup>3</sup> И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. Ўғирлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма /– Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017. – 107 б

Ўғрилик содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарлар ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига асосан жабрланувчи ёки гувоҳларнинг алоқа воситалари орқали берган хабарлари, жабрланувчининг ариза билан бевосита мурожаат қилиши ёки қўриқлаш сигнализация воситаларининг ишлаб кетиши натижасида келиб тушади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин<sup>4</sup>. Ёзма ариза қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши ва реквизитларга эга бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 7 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ, ўғрилик тўғрисидаги ариза (хабар) телефон орқали келиб тушган бўлса, ички ишлар органлари тезкор навбатчиси томонидан у ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарларни қайд этиш журнали (2-шакл)да, ёзма аризалар эса жиноятларни ҳисобга олиш китоби (1-шакл)да қайд этилиши, сўнгра аризачига навбатчи томонидан хабарнома-қоғози берилиши керак.

Ўғирлик талон-тарожнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунга сабаб, аввало, ўғирликни очиш фоизларининг унчалик катта эмаслиги бўлса керак, чунки ўғирлик яширин равишда содир этилади, унинг очилишини қийинлаштиради. Объектив томондан ўғирлик ўзганинг мулкани яширин равишда талонтарож қилишда, яъни ғайриқонуний бепул ундиришда ифодаланиди.

Талон-тарож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йук вақтда ёуд мулкдор ёки бошқа шахслар мулкнинг талон-тарож қилинаётганини тушинмаган вақтда содир этилиши тушунилади.

---

<sup>4</sup> Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5, 10.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришиш, миқдорини ва салбий оқибатларини энг паст даражагача камайтириш учун уларнинг содир этилишини тақазо қилувчи, белгилаб берувчи сабаб ва шароит сифатида таъсир кўрсатувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак .

Ижтимоий ҳодиса ҳисобланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини ва ўсиши тақазо этадиган сабаб ва шароитлар ҳам ижтимоийдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганишда диалектика таълимотига асосланамиз. Диалектика таълимотга кўра, табиатдаги, коинотдаги ва жамиятдаги барча воқеа, ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан дунёвий боғлиқликдадир. Воқеалар, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликлар турли шаклларда бўлиб, жуда ҳам мураккабдир. Шунинг учун ҳам, профилактика инспекторлари ўғирлик ҳуқуқбузарликларининг содир этилишига қарши барвақт курашиш учун ҳуқуқбузарликнинг умумий профилактикасини олиб боришда ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, ўрганиш ва тушунтириб бериш учун ушбу вазифаларни бажараётган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш лозим.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат: <sup>5</sup>

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва
- бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

-ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш иборат.

---

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/2387357> 3-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси 23-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг сифатида қуйидагилар белгиланган: асосий вазифалари

–шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;

–хуқуқбузарликларни содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;

–хуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, уқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

–жисмоий шахсларнинг хуқуқбузарликдан жабирланувчига айланиши хавфини камайтириш;

Албатта, бу каби умумижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, айтиб ўтилганидек, умумий профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал бўлишини талаб этади.

Профилактика инспектори маҳалла хуқуқ тартибот масканида фаолияти давомида ўғрилиқ жиноятига қарши курашда биринчи навбатда маҳаллада виктимлиги юқори бўлган жойлар ва шахсларга этибор қаратиши лозим. Виктимлиги юқори бўлган жойларда патруллик йўналишларини ташкил қилиш, камералар ўрнатиши, хонадонларга қуриқлаш хизмати сигнализацияларини ўрнатиши ва бошқа турдаги усуллар орқалигина эришиши мумкин.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
2. Ш.Мирзиёев. Президент ИИОлари вакиллари билан соҳа ислохотларини муҳокамаси. Ўз TV. lex.uz.
3. И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. Ўғрилиқ жиноятларини

очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма /– Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 107 б

4. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5, 10.

5. <https://lex.uz/docs/2387357> 3-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси 23-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари

6. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021

7. 6. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.

8. 7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.

9. 8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.

10. 9. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.